


«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«О'ЗБЕКГЕОФИЗИКА» АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши томонидан
ТАСДИҚЛАНДИ
2021 йил «01» ноябр



21.04.11 № 2525106
imzo



«О'ЗБЕКГЕОФИЗИКА» AKSIYADORLIK JAMIYATI

УСТАВИ

(янги тахрири)

1. Жамиятнинг юридик мақоми, фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили

1.1. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:

«O'ZBEKGEOFIZIKA» aksiyadorlik jamiyati;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган фирма номи:

«O'ZBEKGEOFIZIKA» AJ;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

Акционерное общество «УЗБЕКГЕОФИЗИКА»;

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:

АО «УЗБЕКГЕОФИЗИКА».

Жамиятнинг инглиз тилидаги тулик фирма номи:

«UZBEKGEOFIZIKA» Join-Stock Company;

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:

«UZBEKGEOFIZIKA» JSC.

1.2. Бундан буён матнда “жамият” деб аталувчи «O'zbekgeofizika» aksiyadorlik jamiyatining жойлашган ери ва почта манзили:

111227, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Геофизика поселкаси (Геофизика почта бўлими).

Жамиятнинг электрон почта манзили: kancelyariya@uzbekgeofizika.uz

1.3. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.4. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.5. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.6. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб варақлари очишга ҳақлидир.

1.7. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.8. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.9. Жамиятнинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

1.10. Жамият барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, даромадлар даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг муносабатни таъминлайди.

2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади

2.1. Жамият фаолиятининг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида нефт ва газ манбаларида геофизик тадқиқот ишларини амалга ошираётганда даромад олишдир.

2.2. Жамият фаолиятининг мақсади Ўзбекистон Республикасида ҳудудий, детал-кидирув, тажриба-методик, кон, мақсадига тааллуқли ва бошқа турдаги геофизик ишларни ҳамда уларга қўшимча равишда юзага келадиган тадқиқотларни амалга оширишдир.

2.3. Жамиятнинг асосий функциялари:

2.3.1. Ўзбекистоннинг барча нефт ва газ мавжуд ҳудудларида геофизик ишларни мувофиқлаштириш.

2.3.2. Қидирув ва кон геофизика ишларини амалга ошираётганда ягона техник ва услубий сиёсатини амалга ошириш.

2.3.3. Махсус маълумотни қайта ишлаш марказларида дала ва кон геофизик маълумотларни бир хил, бир-бирига тўғри келадиган кўринишда қайта ишлашни таъминлаш.

2.3.4. Энг замонавий махсус асбоб-ускуналарни ва илғор усул ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.

2.3.5. Қуйидаги йўллар билан Ўзбекистондаги нефт ва газ конларини кидирув ишларида геофизик ишларнинг энг юқори геолог-иктисодий самарадорлигини таъминлаш:

- ишлаб чиқаришнинг, жамиятнинг барча қатнашчиларининг барқарор даромадини таъминлашда шарт-шароит яратиш;

- ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар рентабеллигини оширишни таъминлаш;

- ишлаб чиқариш, савдо ва илмий-техник фаолиятларни сармоялаш.

2.4. Жамият қуйидаги фаолиятларни амалга оширади:

2.4.1. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ва ундан ташқарида махсус геофизик тадқиқотларни ўтказиш.

2.4.2. Олдиндан режалаштириш, кидирувда нефт-газ конли объектларни тайёрлаш усулларини такомиллаштириш, геофизик тадқиқотлар имкониятларини кенгайтирадиган ва ишлаб чиқариш ва иш сифатини оширишни таъминлайдиган дала ва кудук тадқиқотлари усулларини татбиқ қилиш.

2.4.3. Геофизик тадқиқотлари маълумотлар банкни яратиш ва кенг омманинг ўрнатилган тартибда фойдалана олишини таъминлаш.

2.4.4. Геологик-кидирув ишлари ва объектларнинг муҳим йўналишларида жамиятнинг илмий-методик потенциалини ва моддий-техник ресурсларини жамлашни кўзда тутадиган геофизик тадқиқотларнинг мажмуий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2.4.5. Буюртмачиларнинг буюртмалари асосида геофизик тадқиқотларни амалга ошириш.

2.4.6. Жамиятга ишониб топширилган мулкнинг сақланишини, давлат ва тижорат сирларини ошқора бўлмаслигини таъминлаш.

2.4.7. Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитлари, саноат хавфсизлигини, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига, санитария ва табиатни муҳофаза қилиш меъёрларига риоя қилинишини таъминлаш.

2.4.8. Хўжалик усули билан ва шартномалар асосида амалга ошириш йўли билан ишлаб чиқариш, ижтимоий-маиший ва турар-жой объектларини қуриш, тўлик таъмирлаш ва жихозлаш.

2.4.9. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш.

2.4.10. Жамият ишчиларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

2.4.11. Улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиш.

2.4.12. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

2.5. Ваколатли давлат органларининг махсус рухсатнома (лицензия)си талаб қилинадиган фаолият турларини жамият тегишли рухсатнома (лицензия)ни қонунчиликда ўрнатилган тартибда олганидан сўнг амалга оширади.

2.6. Ўз фаолиятини амалга оширишда жамият куйидагиларни амалга оширишга ҳақли:

2.6.1. Йиллик Давлат дастурлари доирасида ва бошқа буюртмаларига асосан геологик топшириқларига мувофиқ равишда геофизик ишларнинг ҳар бир объект бўйича йиллик режасини тасдиқлаш.

2.6.2. Ажратилган йиллик лимитлар доирасида, буюртмалар бўйича амалга ошириладиган геофизик ишларни молиялашни тақсимлаш.

2.6.3. Геологик топшириқларни, лойиҳа-смета ҳужжатларни ва бажарилган ва тугатилган ишлар бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган, жамиятнинг махсус илмий-техник кенгашини шакллантириш.

2.6.4. Тугатилган геолог-геофизик ишларнинг харажатларини ҳисобдан чиқариш.

2.6.5. Жамиятнинг стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2.6.6. Геолог-қидирув ишларини ривожлантириш мажмуий дастурларига мувофиқ геофизик ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва геофизик тадқиқотларнинг илмий-техник йўналишларини белгилаш.

2.6.7. Геофизик ишлар учун асбоб-ускуна ва материалларни келтиришда техник буюртмачи вазифаларини бажариш.

2.6.8. Махсус геофизик асбобларини ва ускуналарини тестдан ўтказиш ва уларга метрологик хизмат кўрсатиш.

2.6.9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар радиотелефон алоқанинг локал тармоғини қуриш ва ишлатиш.

2.6.10. Ишлаб чиқаришда етакчи касбларга кадрларни мухсус усулда тайёрлаш и уларнинг малакасини ошириш.

2.6.11. Меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив шаклини татбиқ қилиш.

2.6.12. Жамият фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган, амалдаги директив ҳужжатларга мувофиқ жамиятнинг тижорат сирини ташкил қиладиган маълумотларнинг таркибини, ҳажминини ва ҳимоя тартибини белгилаш.

2.6.13. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари.

2.6.14. Жамият махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлган ҳолда амалга ошириладиган ўз фаолият турларини амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартиб ва қоидалар асосида амалга оширади.

3. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкнинг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

3.4. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 334 029 822 698 (уч юз ўттиз тўрт миллиард йигирма тўққиз миллион саккиз юз йигирма икки минг олти юз тўқсон саккиз) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 286 (икки юз саксон олти) сўм бўлган 1 167 936 443 (бир миллиард бир юз олти миш етти миллион тўққиз юз ўттиз олти минг тўрт юз қирқ уч) дона акцияларга, шундан 1 130 800 843 (бир миллиард бир юз ўттиз миллион саккиз юз минг саккиз юз қирқ уч) дона эгаси ёзилган оддий ва 37 135 600 (ўттиз етти миллион бир юз ўттиз беш минг олти юз) дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга бўлинган.

4. Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари

4.1. Жамият томонидан 1 130 800 843 (бир миллиард бир юз ўттиз миллион саккиз юз минг саккиз юз қирқ уч) дона эгаси ёзилган оддий ва 37 135 600 (ўттиз етти миллион бир юз ўттиз беш минг олти юз) дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

4.2. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 2 535 749 632 (икки миллиард беш юз ўттиз беш миллион етти юз қирқ тўққиз минг олти юз ўттиз икки) дона эгаси ёзилган оддий ва 600 000 000 (олти юз миллион) дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

4.3. Жамият акцияларининг номинал қиймати 286 (икки юз саксон олти) сўм.

5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш

5.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Қўшимча акциялар мазкур жамият уставида белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

5.6. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

5.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият кузатуви кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келтирилган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган идан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтириладиганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.10. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

5.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (бундан буён матнда имтиёзли ҳуқуқ деб юритилади) эга.

5.12. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулк ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.13. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.14. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.15. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.16. Жамият устав фондиди (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фондидининг (устав капиталининг) жамият уставидидаги тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

5.17. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.18. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондиди (устав

капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.19. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитал) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

6. Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари

6.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

6.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

6.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитал микдори доирасида чиқаришга ҳақли.

6.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

6.5. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

7. Жамиятнинг фондлари

7.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан захира, уй-жой қуриш ва сотиб олиш фондлари ташкил этилади.

7.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи микдорида захира фонди ташкил этилади.

7.3. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган микдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг микдори мазкур уставда белгиланган микдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

7.6. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

7.7. Уй-жойни қуриш ва сотиб олиш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш фондларини шакллантириш кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиш шarti билан жамият соф фойдасидан ҳар йилги ажратмалар қилиш йўли билан амалга оширилади.

7.8. Уй-жойни қуриш ва сотиб олиш фондининг маблағлари жамият ишчи-ҳодимларини уй-жой билан таъминлашга ишлатилади.

7.9. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондининг маблағлари ходимларни меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, уларни соғломлаштириш ҳамда бошқа мақсадларга белгиланган тартибда йўналтирилади.

7.10. Жамият қонунчилиқда белгиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

8. Дивидендларни тўлаш

8.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

8.3. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибиде талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

8.4. Жамиятнинг имтиёзлари акциялари бўйича акцияларнинг номинал қийматидан 25 (йигирма беш) фоиз миқдорида дивидендлар тўланади.

8.5. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акцияларнинг номинал қийматининг 100 фоизини ташкил қилади.

8.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 37 моддасида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли акцияларни жамият томонидан сотиб олиш имтиёзли акциялар номинал қийматининг 100 фоизига тенг нарх бўйича амалга оширилади.

8.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

9. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) жамиятнинг органларидир.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир. Агар Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Мазкур устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак.

9.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қоида тариқасида, акциядорларнинг йиллик умумий

йиғилиши 25-29 июнда ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

9.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

1) жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2) жамиятни қайта ташкил этиш;

3) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

7) ўз акцияларини олиш;

8) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, жамият ижроия органини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва уни ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек жамият кузатув кенгаши жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

9) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

10) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

11) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

12) жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

13) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

14) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

15) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

16) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

17) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8-бобига мувофиқ жамият томонидан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

18) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилиланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

19) жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

20) жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ижроия орган ва кузатув кенгашининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш;

21) жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

22) хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдамни энг кўп миқдорларини белгилаш;

23) мустақил профессионал ташкилотлар – маслахатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес жараёнлар ва лойиҳалар жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги ҳар йиллик тахлилини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

24) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

25) мазкур жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

Агар жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

9.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) 1 майдан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар фойдани тақсимлаш бўйича таклифлар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари курсатган номзодлар руйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар руйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

9.12. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

9.13. Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилиланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.

9.14. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси varaғига киритилган жамият Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва жамиятнинг расмий веб-сайтида бошқа юридик шахсларнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акцияларига (улушларига, пайларига) эгаллик қилиши тўғрисидаги ахборотни эълон қилиши шарт. Бунда мазкур ахборот акциялар (улушлар, пайлар) олинган пайтдан эътиборан 72 соат ичида эълон қилиниши керак.

Кузатув кенгаши

9.13. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

9.14. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Жамият ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидан назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

9) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

10) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

11) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

12) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

13) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

14) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

15) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

16) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

17) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

18) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-бобига мувофиқ баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин;

19) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилиланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

21) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

22) жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) кўпайтириш масалаларини;

23) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

24) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

25) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

26) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

27) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

28) жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

29) жамиятнинг бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

30) хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;

31) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган доирада, хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш;

32) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

33) жамият ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва унинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини доимий равишда баҳолаш ишларини назорат қилиш ҳамда МХХСга мувофиқ ҳар йиллик молиявий ҳисоботларни эълон қилинишига ўтказишни таъминлаш;

34) жамият кузатув кенгаши қарорига кўра танлов асосида корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш;

9.15. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

9.16. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.17. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби 9 кишидан иборат.

Шунингдек, кузатув кенгаши таркибига халқаро мутахассисларни (шу жумладан ватандошларни) ва хорижий тажрибага эга малакали мутахассисларини жалб этиш мумкин.

9.18. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

9.19. Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

9.20. Айна шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатуви кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

9.21. Жамиятнинг кузатуви кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мазкур уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

9.22. Жамиятнинг кузатуви кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

9.23. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатуви кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

9.24. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатуви кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.25. Жамият кузатуви кенгашининг раиси кузатуви кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатуви кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

9.26. Жамиятнинг кузатуви кенгаши ўз раисини кузатуви кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

9.27. Жамият кузатуви кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатуви кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

9.28. Жамият кузатуви кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатуви кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.29. Жамият кузатуви кенгашининг мажлиси кузатуви кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатуви кенгаши, тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзосининг ва ички аудит хизмати бошлиғи, шунингдек жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.

9.30. Жамият кузатуви кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

9.31. Жамият кузатуви кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатуви кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.32. Жамият кузатуви кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатуви кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатуви кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.33. Жамият кузатуви кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

9.34. Жамият кузатуви кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатуви кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

9.35. Жамият кузатуви кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатуви кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

9.36. Жамият кузатуви кенгашининг раиси кузатуви кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

9.37. Жамият кузатуви кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатуви кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

9.38. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

9.39. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

Ижроия органи

9.40. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия органи (бошқарув) томонидан амалга оширилади.

9.41. Жамият Бошқаруви 5 (беш) кишидан иборат бўлиб (Бошқарув раиси, унинг биринчи ўринбосари ва 3 ўринбосарлари) бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

Жамият бошқарув раиси жамият акциядорларининг умумий йиғилиши бошқаруви аъзолари эса жамият кузатув кенгаши томонидан сайланадилар (тайинланадилар).

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ёки (ёхуд) кузатув кенгашининг қарорига кўра Жамият Бошқарув раисини ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик (халқаро) менежерлар (шу жумладан ватандошларни) ва хорижий тажрибага эга малакали мутахассислар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

Жамият бошқарув раиси жамият акциядорларининг умумий йиғилиши бошқаруви аъзолари эса жамият кузатув кенгаши томонидан сайланадилар (тайинланадилар).

Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки (ёхуд) Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра Жамият Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

9.42. Жамият бошқарув раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

9.43. Жамият бошқарувининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.44. Жамиятнинг бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.45. Жамият бошқарув раисининг ваколатлари (хуқуқлари) ва мажбуриятларига кўйидагилар киради:

- 1) ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- 2) жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;
- 3) жамият номидан ишончномаларни бериш;
- 4) ўз ваколатлари доирасида, жамият номидан битимлар тузиш;
- 5) ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қуллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

б) жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини лавозимига тайинлайди ва уларни лавозимидан озод этиш;

в) бошқарув аъзолари билан келишилган ҳолда жамият ваколатхоналарини ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

8) штатларни тасдиқлаш;

9) жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

10) жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

11) банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;

12) жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

13) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлик ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

14) жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

15) жамият бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга.

9.46. Жамият бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

1) ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

2) жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

3) жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг ваколатларига кирадиганлар бундан мустасно;

4) жамиятни ривожлантириш стратегиясини ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни

бажарилишини назорат қилиш;

5) жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

6) қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончлилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

7) жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

8) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш (битим тузиш масаласида жамият бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала жамият бошқаруви қарорига мувофиқ кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);

9) жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

10) дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

11) ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

13) бошқарув жамият касаба уюшмаси иштирокида жамият соф фойдасининг 1 (бир) фоизи миқдори доирасида хайрия (ҳомийлик) ва беғараз ёрдам кўрсатишга ҳақли;

14) Жамиятнинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9.47. Жамият Бошқаруви раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Жамият бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

9.48. Жамиятнинг бошқаруви раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва улар билан тузиладиган шартномада белгиланган бўлиши керак.

Жамиятнинг бошқарувраиси ва аъзоларига ҳақ тўлаш акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Жамият ижроия органи аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида” Низомга асосан амалга оширилади.

9.49. Жамиятнинг бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.50. Акциядорларнинг умумий йиғилиши бошқарув раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли. Жамият кузатув кенгаши бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

9.51. Жамият кузатув кенгаши бошқарув раисининг билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.52. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

9.53. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек жамиятнинг бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

9.54. Жамиятнинг миноритар акциядори асосиз равишда ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва махфий маълумотлардан, тижорат сиридан фойдаланиш орқали Жамият бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

9.55. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

10. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

10.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

10.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг мазкур устави билан белгиланади.

10.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

10.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

10.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

10.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

10.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 10.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

10.9. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

10.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

10.11. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

10.12. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

10.13. Зарур бўлган ҳолларда жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

10.14. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг ва жамият бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги

11.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ва жамият бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

11.2. Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

11.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди Қонуннинг [90-моддасида](#) белгиланган ҳоллар мустасно.

11.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси ёки бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

11.5. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

11.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси ёки бошқаруви аъзоси жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни тақлиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

12. Яқуний қоидалар

12.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

12.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

12.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

12.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

12.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

12.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

12.5. Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

12.6. Жамият кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

12.7. Мазкур уставда тартибга солилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

Бошқарув раиси в.в.б.



Р. А. Юсупжонов